

Навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди



Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаровнинг навбатдаги қабули бўлиб ўтди. Унда 26 нафар фуқаронинг уй-жой, ичимлик суви, электр энергия ва газ таъминоти, йўл таъмири ҳамда моддий ёрдам ажратиш масалаларидағи мурожаати тингланди.

Мурожаатлар алоқадор масъуллар иштирокида кўриб чиқилди ва 5 та масала шу ернинг ўзида ҳал этиб берилди. Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиласиган мурожаатлар тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.

Эслатиб ўтамиз, туман ҳокимининг иш режасига мувофиқ ҳафтанинг душанба кунлари шахсий қабул, сешанба кунлари маҳаллаларда сайёр қабуллари ўтказиб келинмоқда.